

O'ZBEKISTONDA IJTIMOIY FANLAR

ОБЩЕСТВЕННЫЕ НАУКИ В УЗБЕКИСТАНЕ

SOCIAL SCIENCES IN UZBEKISTAN



O'zbekiston
Fanlar akademiyasi

**O'zbekiston Respublikasi
Fanlar akademiyasi**

**Академия наук
Республики Узбекистан**

**Academy of Sciences
of the Republic of Uzbekistan**

1 / 2019

ONDA IJTIMOIY FANLAR • O'ZBEKISTONDA
ESTVENNYE NAUKI V UZBEKISTANE • SOCIAL
CES IN UZBEKISTAN • SOCIAL SCIENCES
ONDA IJTIMOIY FANLAR • O'ZBEKISTONDA
ESTVENNYE NAUKI V UZBEKISTANE • SOCIAL
CES IN UZBEKISTAN • SOCIAL SCIENCES

Ш. Сирожиддинов

ЎЗБЕК ТУРКОЛОГИЯСИ: КЕЧА ВА БУГУН

Ҳозирги пайтда қарийб 40 миллион киши сўзлашадиган ўзбек тили туркий тиллар ичида ўзининг бу салмоғи ва бой тарихи билан алоҳида ўрин тутати. Шу сабабли туркология бўйича мутахассислар ўзбек тилига катта эътибор қаратадилар. Ўз навбатида кўп йиллик илмий тажрибага эга ўзбек туркология, яъни дунё туркийшунослигида ўзига хос ўрин эгаллаган. Бунга ўзбек олимлари томонидан амалга оширилган тилшунослик, таржимашунослик, тарихий-қийсий матншунослик, луғатшунослик, фольклоршунослик ва ҳоказолар мисол бўла олади. Бироқ кейинги ўн йилликларда Ўзбекистон фанининг бу соҳасида анчагина оқшашлар кузатилди. Дарҳақиқат, ўзбек туркологиясининг аввалги мавқеини тиклаш ва қардош халқлар орасида илмий интеграцияни кучайтиришга катта эҳтиёж сезилмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон Фармонида: *“Ўзбек тилининг ҳар томонлама тараққий топиши ва адабий тил сифатида майдонга чиқишида қадимги туркий тил катта ҳисса қўшгани”* алоҳида таъкидланган. Шу билан биргаликда, бугунги кунда дунё халқлари, хусусан қўшни ва қардош халқлар орасида ҳар томонлама ҳамкорлик ва интеграцион жараёнлар фаоллашгани кузатилмоқда. Шу каби омиллардан келиб чиққан ҳолда туркология фанининг бугунги кундаги долзарб масалаларини мазкур фаннинг тарих, тил ва адабиёт соҳалари кесимида кўриб чиқиш ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан зарурдир.

Ҳозирги пайтда ўзбек туркологиясининг илмий изланишларини дунё миқёсида танитиш, жаҳон туркийшунослигида қўлга киритилган энг сўнги илмий ютуқлардан тадқиқотчиларимизни баҳраманд бўлишини таъминлаш айни муддаодир. Шу билан биргаликда, туркий халқлар тили ва адабиёти, тарихи ва маданиятининг янада чуқурроқ тадқиқ этилиши ва бу борадаги илмий изланишлар натижаларининг илмий жамоатчиликда танитилиши учун хорижлик ҳамкасблар билан маҳаллий олимларимиз орасида ҳамкорлик илмий кўпригини яратиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳазрат Алишер Навоий бошлаб берган миллий қадриятлар – туркий тилда ижод қилиш, бу тилни араб ва форс тиллари каби ўз даврининг халқаро тилга айлантириш ғояси Темурийлар ва Ўзбек хонликлари даврида давом этиб, то сўнгги асрларгача Марказий Осиё ва унга туташ ҳудудлардаги туркий халқларнинг бош ғояси ролини ўйнаган эди. Темурийлар даврида давлат сиёсати даражасига кўтарилган бу ғоя XX асрнинг бошларида Туркистон жаидлари, кейинчалик эса марказий осийлик

қардош халқлар, хусусан, ўзбек зиёлилари томонидан ривожлантирилгани барчамизга маълум. Туркий тарих ва тилга эътибор Совет давридаги қатағон йилларида ҳам, ҳатто “ягона совет халқини яратиш” авжига чиққан 60-80 йилларда ҳам тўхтаб қолгани йўқ. Бу даврда ўзбек адиблари, олимлар ва ҳоказо ижтимоий фан намояндалари, яъни зиёлилар томонидан ушбу соҳада кўплаб илмий-амалий ишларнинг амалга оширилгани бунга яққол гувоҳ. Жумладан, барча туркий халқларнинг тенги йўқ адабий мероси Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит-турк” (“Туркий сўзлар девони”) (XI аср), Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” (“Саодатга элтувчи билим”) (XI аср), Адиб Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибатул ҳақойиқ” каби асарлари 1960-1970 йилларда биринчилардан бўлиб ўзбек олимлари томонидан нашр этилиши ўз даврида мисли кўрилмаган иш бўлган эди. Қозоқ, қирғиз, озарбайжон ва ҳоказо қардошларимиз бундай ишни яқин йилларда мустақилликка эришгандан кейингина амалга ошира олдилар.

Таъкидлаш жоизки, унда ҳам уларнинг кўпчилиги ўзбек олимлари томонидан қарийб 50 йил олдин амалга оширилган мазкур нашрларга суяндилар. Бошқа бир мисол эса қатағон йиллари – 30-йилларда Фитрат, Ғози Олим каби ўзбек олимлари бошлаб берган қадимги Ўрхун обидаларини ўрганиш иши ёки бўлмаса 60-70 йилларда ўзбек шарқшунослари томонидан ўрта асрларда Миср ва бошқа Ўрта Шарқ давлатларида яратилган арабча-туркийча луғатларни туркий халқларнинг лингвистик манбаси сифатида тадқиқ этилиши, уларнинг ўзбекча ва русча таржима ҳамда танқидий-текстологик нашрлари чоп этилиши ўз даврида ўзбек туркологиясининг дунё миқёсида эътироф этилишига олиб келганди.

Мустабид совет тузуми мафкураси ва миллий маданиятимизни йўқотишга бўлган зўравонлик сиёсати натижасида асрлар давомида асраб-авайлаб келинган минглаб қўлёзма китоблар ёқиб юборилди, сувга оқизилди. Қабристонларга кўмилган, чўбкўри уй деворларига ва токчаларига яширилиб, усти суваб юборилган беҳисоб нодир манбалар турган жойида чириб, йўқ бўлиб кетди. XX асрнинг 20-30 йилларида олиб борилган мўдҳиш сиёсат – қатағонлар оқибатида миллий ўзлигимиздан деярли ажрадик. Ўзимизнинг ким бўлганлигимизни унутишга юз тутдик.

1991 йилдан сўнг ўтмишга, қадриятларимизга муносабат ўзгарди. Миллий қадриятларимизга катта эътибор қаратилди, тарихимизга ҳолис назар ташланди, улуғ мутафаккир аждодларимизнинг номлари тикланди. Бу соҳада кўплаб тадқиқотлар олиб борилди ва оммага тақдим этилди. Ўзбекистонда ўзликни англаш, тарихий хотирани тиклаш соҳасидаги давлат сиёсатининг амалий татбиғини 2015-2017 йилларда Самарқанд шаҳрида ўтказилган халқаро конференцияларнинг ўтказилишида кўриш мумкин. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти фондида ўн минглаб қўлёзма манбалар жамланган бўлиб, халқаро анжуманларда, конференцияларда мазкур қўлёзмаларни ўрганиш ва нашр этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг халқаро илмий мурожаати бутун дунёдан

халқимизнинг бой тарихий, илмий-бадий меросини ўрганишга бўлган қизиқишнинг ошишига туртки бўлди.

Маълумки, ўзбек халқи қардош туркий халқлар оиласида ўзининг бой илмий-бадий мероси ва қадим анъаналари билан ажралиб, туркий халқларга оид турли даврларга мансуб кўплаб ёдгорликларнинг базасидир. Қўлёзмалар, эпиграфик ёдгорликлар, тангалар, ноёб ҳужжатлар, деворий суратлар халқимиз тарихи, маданияти, тилини ўрганиш учун манба, тараққиёт тарихидаги уларга нисбатан бирёқлама қарашларга барҳам бериши мумкин бўлган ягона гувоҳ ва далилдир. Қўлёзма манбалар, табиийки, вақт таъсирида эскириб, ёзувлар хиралашади. Археологик экспедициялар, шахсий ўрганишлар натижасида қўлга киритилган янги маълумотларни илмий истеъмолга киритиш учун талабга жавоб берадиган мутахассислар бармоқ билан санарли. Бори ҳам қадимги туркий ёзувларни ўқишга қийналади. Эски ўзбек (туркий) тилида ёзилган қўлёзма манбаларни ўқишни билган мутахассислар араб ва форс тилидан хабарсиз бўлгани учун матн маъзини чақа олмайди?!

Бутун дунё туркий халқлари Ўзбекистонни бекорга “ота юрт” деб атамайдилар. Чунки тарихан ўзбек халқи – бутун туркий халқлар орасида бош бўғин ҳисобланган. Ва бу тарихий мақомни қайтариш, тарих ҳақиқатини тиклаш вақти келди.

Дунё туркологиясининг бугунги ҳолати ва долзарб муаммолари

Бугунги кунда дунёда туркология соҳасида ўнлаб илмий-тадқиқот марказлари фаолият юритишига қарамай, бу соҳада муаммолар талай. Аввало, мазкур марказлар орасида илмий алоқаларнинг кенг кўламда йўлга қўйилмаганлиги боис, бу борада амалга оширилаётган илмий ишлардан муттасил равишда хабардор бўлиб туришнинг имконияти мавжуд эмас. Демак, бугунги кунга келиб илм-фаннинг барча соҳаларида бўлгани каби туркология соҳасида ҳам тез суръатларда ривожланиш кузатилмоқда ва бу соҳада кўплаб улкан илмий ютуқлар қўлга киритилаётгани маълум. Хусусан, дунёда туркий халқлар тили, адабиёти, маданияти ва тарихи бўйича махсус тадқиқотлар олиб бораётган илмий-тадқиқот марказларининг йил сайин кўпайиб бораётганлиги ҳам буни тасдиқлаб турибди. Туркология соҳасида етакчи бўлган Россия ва Туркия билан бир қаторда кўп йиллик тажрибага эга Европа туркологияси (немис, инглиз, француз, венгер мактаблари) АҚШдаги Марказий Осиёни ўрганиш институтлари кейинги йилларда ташкил этилган ва тобора ривожланиб бораётган хитой, япон ва корейс туркийшунослик марказлари ушбу фан соҳасининг дунё илмий жамоатчилиги наздида нечоғли муҳим ўрин тутишидан дарак беради. Кейинги йилларда эса туркология бўйича илмий-тадқиқот марказлари қўшни ва қардош мамлакатларда ҳам фаолият юрита бошлади. Жумладан, яқин ўн йилликларда Қозоғистоннинг Туркистон шаҳрида Аҳмад Яссавий номидаги халқаро қозоқ-турк университетининг ўз ўқув ва илмий фаолиятини йўлга қўйиши, Астанада ХТА (Халқаро Туркий академия) ташкил этилиб, туркология соҳасида илмий-тадқиқот марказларидан би-

рига айланиши, Қирғизистонда эса Манас номидаги халқаро қирғиз-турк университети очилиб, таълим ва илм-фанни биргаликда олиб бориши, Озарбайжон Боку туркология мактабининг илмий ҳамкорлик ва нашр ишларини йўлга қўйиши диққатга сазовор ишлардир. Қардош ўлкаларда фаолият юритаётган мазкур илмий-тадқиқот институтлари, университет ва илмий марказлар туркология соҳасида ҳар йили ўнлаб илмий-амалий конференциялар ўтказиб, дунёнинг кўплаб мамлакатлардан етук турколог олимлар ва ёш мутахассисларни маърузачи сифатида таклиф қилмоқда, журнал, монография, луғат, антология ва энциклопедиялар чоп қилиниб, туркология соҳасига улкан ҳисса қўшмоқдалар. Бундай тадбир ва жараёнларга ўзбек туркологлари ҳам жалб қилинган бўлиб, улар ўз илмий ишларини мазкур қардош ўлкаларда нашр қилиб келаётгани сир эмас. Бироқ ўрни келганда айтиб ўтиш керакки, қардош ўлкаларда туркология соҳасида олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг сифати кутилгандек даражада эмас?!

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, дунёда, хусусан, қардош ва қўшни ўлкаларда бундай илмий-амалий ишлар олиб борилаётган бир пайтда ўзининг қарийб бир асрлик тарихига оид илмий-амалий ишлар олиб борилаётган бир пайтда ўзининг қарийб бир асрлик тарихига эга замонавий ўзбек туркологияси бир қатор сабаблар туфайли бу соҳада анчагина ортда қолаётганлиги кўзга ташланмоқда. Аввало, ўзбек туркологларининг бошини бириктирадиган муайян бир илмий-тадқиқот муассаси ёки марказнинг мавжуд эмаслиги, туркология соҳасида амалга оширилаётган тадқиқотларнинг етарли даражада дунё илмий жамоатчилигига етказиб берилмаётганлиги ва бу борада муайян бир механизмнинг ишлаб чиқилмаганлиги бунинг асосий сабабларидандир.

Шундай бир вазиятда ҳам баъзи ўзбек туркологларининг якка бўлса-да ўз ишларини дунё илмий жамоатчилигига танитиб келаётгани диққатга сазовор. Айниқса, аждодлардан мерос лисоний ва адабий меросни ўрганиш, тарғиб қилиш, улардан ёш наслнинг фойдаланишини таъминлаш ҳамда туркий халқлар тарихи ва маданиятининг камситилишига йўл қўймасликни мақсад қилиб олган бир қатор олимларимиз ўзбек туркологиясининг бу аянчли аҳволини тузатишга ҳаракат қилаётгани нафақат мамлакатимиз ҳамжамияти томонидан, балки дунё илмий жамоатчилиги томонидан эътироф этилмоқда. Жумладан, адабиётшунос турколог олим Қ.Содиқовнинг қадимги туркий ёзма манбалар, хусусан “Девону луғотит турк”ни илмий изоҳлар билан қайтадан нашр қилдириши, тилшунос-турколог олим Ҳ.Дадабоевнинг ўрта асрлар туркий атамаларига доир нашрлари, манбашунос ва диншунос олим Б.Бобо-жоновнинг ўрта асрларда туркийларнинг маънавий а маърифий ҳаётига доир тадқиқотлари, манбашунос, шарқшунос ва тарихчи олим Ш.Камолдиннинг қадимги ва ўрта асрлар туркийча касб-кор атамалари (боғдорчилик, ҳунармандчилик ва ҳ.к.)га бағишланган монографиялари, тарихчи А.Маликовнинг ўзбек уруғлари ва бошқа туркий этносларга бағишланган илмий ишлари, тарихчи-турколог Ғ.Бобоёровнинг қадимги

туркий нумизматика ва эпиграфика соҳасида эълон қилган монография ва мақолалари нафақат қардош ўлкаларда, балки узоқ чет элларда ҳам танилди.

Ҳозирги пайтда камина раҳбарлик қилаётган Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти университети ташаббуси билан ўзбек туркологиясини жонлантириш борасида амалий ишлар бошлаб юборилганини ҳам айтиб ўтиш зарур. Университетнинг бир қатор профессор-ўқитувчилари, хусусан ёш мутахассислар томонидан амалга оширилаётган илмий изланишлар бунга кичик бир мисол бўла олади. Ҳозирги кунда университетнинг етакчи турколог олимлари Ҳ.Дадабоев ва унинг шогирдлари ҳамда Н.Раҳмонов ва унинг Э.Асанов, Н.Жўрақўзиевларнинг ишлари дунё туркологларига танилиб келмоқда.

Қисқаси, қарийб бир асрлик мозийга эга ўзбек туркологияси олдида турган вазифалар талай. Мамлакатимизнинг тил ва адабиёт соҳасида етакчи ўқув ва илмий муассасаси сифатида Алишер Навоий номидаги Тошкент далаат ўзбек тили ва адабиёти университети илмий жамоатчилиги ўзбек туркологиясининг қайтадан жонланиши учун қўйидагича илмий-амалий ишларнинг амалга оширилишини долзарб вазифа деб билади:

-туркий тилларни қиёсий-тарихий жиҳатдан тадқиқ қилиш бўйича илмий изланишлар олиб бориш. Шунингдек, ўзбек-қозоқ, ўзбек-туркман, ўзбек-қирғиз ва ҳоказо туркий тилларнинг ўзаро алоқалари бўйича илмий тадқиқот ишлари амалга оширилишини йўлга қўйиш. Маълумки, кейинги йилларда Ўзбекистон ўзининг ташқи устувор вазифаларидан бири сифатида қўшни мамлакатлар билан ҳар томонлама ҳамкорликни йўлга қўйишга қаратмоқда. Хусусан, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Озарбайжон ва Туркия давлатлари билан олиб борилаётган маданий ва иқтисодий соҳаларда олиб борилаётган ишлар ушбу мамлакатлар билан илмий ҳамкорлик юритишни тақозо қилмоқда;

-туркий тиллар ва адабиёт бўйича антология, энциклопедия ва луғатлар тузиш, лаҳжа ва шеваларни тадқиқ этиш, улар бўйича луғатлар ва лисоний маълумотномалар яратиш, лисоний жараёнга доир архив материалларни тавсифлаш ва уларга ишлов бериш ишларини олиб бориш;

-замонавий туркий адабиёт бўйича тадқиқотлар олиб бориб, таржима ишларини амалга ошириш лозим. Маълумки, замонавий туркий адабиёт жаҳон адабиётига ўзига хос ўринга эга. Жумладан, туркиялик адиб Ўрхон Помукнинг адабиёт соҳасида Нобель муокофотига лойиқ топилиши, қирғиз адиби Чингиз Айтматов асарларининг юзлаб тилларга таржима қилиниши, болқор шоири Қайсин Қулиевнинг нафис шеърляти, қозоқ шоири ва публицисти Ўлжас Сулаймоннинг адабий ва илмий ишлари, асли ўзбек америкалик адиб Зулфия Назарнинг бадиий-фалсафий асарлари ва ҳ.к.

Туркий халқлар фольклори, урф-одатлари, маданияти ва мифологиясига доир тадқиқотлар олиб бориш. Бу борада маҳаллий ва хорижий ҳамкорликни йўлга қўйиб, жойларга илмий экспедиция уюштириш зарур;

-туркий халқлар тарихи бўйича тадқиқотлар олиб боришни йўлга қўйиш зарур. Хусусан, археологик топилмалар, эпиграфик ва нумизматик материаллар асосида туркий халқлар тарихининг мавҳум жиҳатларини очиб бериш. Кейинги йилларда ўзбек тарихчи-турколог олимлари томонидан юзлаб нумизматик ва бошқа археологик материалларнинг қайта ўрганилиши натижасида ўнлаб туркий унвон ва исмлар аниқланди. Дарвоқе, ўз тангаларини милoddан аввалги сўнгги асрларда зарб қилдира бошлаган Кушон ва Қанғ давлатлари танга-пулларида туркий элементларнинг учраши, милodий биринчи мингйилликнинг ўрталарида Хионийлар, Эфталийлар давлати, кейинчалик Турк ҳоқонлиги даврида туркий тангалар бостирилгани аниқланди. Шунингдек, исломдан олдинги тасвирий санъат асарлари: Афросиёб (Самарқанд), Варахша (Бухоро), Болалик-тепа, Тавка-қалъа (Жанубий Ўзбекистон) деворий расмларида асосан қадимги туркий этнос вакиллари тасвирланган бўлиб, улар туркийларнинг кийниш маданияти, шакл-шамойили ва ижтимоий-сиёсий мавқеига доир қимматбаҳо маълумотлар беради. Муҳими, мазкур ёдгорликлар ва нумизматик материаллар асосан Ўзбекистонда жойлашган қадимий шаҳар харобаларидан топилмоқда;

-туркий тилларда ёзилган қўлёзма асарлар бўйича тадқиқотлар олиб бориш. Туркий халқлар тарихи, тили ва адабиётига оид хориж ҳамда мамлакатимиздаги қўлёзмалар фондида сақланаётган туркий тилли асарларни аниқлаш, уларнинг танқидий матнини тайёрлаш ва нашр қилиш. Жумладан, ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида, Самарқанд, Бухоро ва Хива музейларида туркий тилли асарлар, шажара, васиқа, солиқ ва ҳоказога доир ҳужжатлар мавжуд. Улар етарлича ўрганилиши у ёқда турсин, етарли даражада аниқланган эмас. Шунингдек, Ҳиндистон ва Эронда ўнлаб туркий-форсий, туркий-ҳиндий луғатлар мавжудлигига доир маълумотларга эга бўлсак-да, уларни илмий-тадқиқотларга тортиш ва нашр қилиш ишлари йўлга қўйилмаган;

-туркий халқлар маданияти, санъати, тарихи, тили ва адабиётига оид турли тилларда ёзилган қадимги ва ўрта асрларга оид ёзма манбаларни ҳозирги замон туркий тилларига, хусусан, ўзбек тилига ўгириш ва чоп этиш. Хусусан, қадимги хитой, тибет, ҳинд, суғдий, бақтрий, паҳлавий, арман, юнон ва бошқа тиллардаги туркийларга оид ёзма манбаларни нашр қилиш мақсадга мувофиқдир;

-туркий тилли ўлкаларда мавжуд атамашунослик марказлари билан ҳамкорлик ўрнатиш ҳамда бу соҳада киритилаётган ютуқлардан фойдаланиш ва амалиётга татбиқ қилиш ишлари билан шуғулланиш. Хусусан, турли сабаблар туфайли истеъмолдан чиқишга юз тутган, унутилаётган ёки қўлланилиш доираси торайиб ўрнини ғайритуркий ўзлашма сўзларга бўшатиб бераётган соф туркий сўзларни сақлаб қолиш, жонлантириш

ва фаоллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш зарур. Шунингдек, туркий сўзлар ўзагида янгича атамалар ясаш ва уларни туркий тилларга жорий қилиш ишларини олиб бориб, бошқа тиллардан кириб келаётган маданий ҳаёт, ахборот, техника, ижтимоий-иқтисодий сўз ва ҳоказоларга алоқадор ажнабий сўзларнинг туркий муқобилини топиш ва оммалаштириш бўйича илмий-амалий ишларни жорий қилиш лозим;

-ўзбек туркологиясининг илмий ютуқ ва янгиликларини, илмий изланишлари ва нашр ишларини дунё илмий жамоатчилигига танитиш ва тарғиб қилиш ишларини ташкил қилиш;

-дунёнинг етакчи туркология марказлари ва институтлари билан илмий ҳамкорликни йўлга қўйиш. Ўзаро ҳамкорлик қилиш, тажриба алмашинув, биргаликда халқаро анжуманлар ўтказиш, ҳамкорликда нашр ишларини олиб бориш масаласида меморандумлар имзолаш, битим ва шартномалар тузиш мақсадга мувофиқдир;

-университет турколог олимлари ва бу соҳа бўйича ёш мутахассис (магистр ва докторант)ларнинг хориждаги туркология марказлари, университет ва илмий-тадқиқот институтларига бориб илмий стажировка ўташлари масаласида университет илмий жамоатчилигига кўмаклашиш;

-университет илмий жамоатчилиги билан биргаликда хорижлик етук турколог олимларнинг университетга келиб, мутахассис олимлар билан ўзаро илмий ҳамкорлик олиб боришлари ҳамда университет ёш мутахассислари (магистр ва докторант) ва талабаларига илмий маърузалар ўқишлари, семинар-тренинг ўтказишларини таъминлаш;

-туркология соҳаси бўйича республика ва халқаро миқёсда даврий илмий ва илмий-амалий анжуманлар ўтказиш. Туркий ёзма ёдгорликларини излаб топиш, жойида ўрганиш учун илмий экспедициялар уюштириш. Жумладан, Ўзбекистон ва унга қўшни мамлакатлар ҳудудлари билан биргаликда Ўрхун водийси ва атрофлари (Мўғулистон), Энасой/Жанубий Сибир (РФ) ва ҳоказо ўлкаларда йил сайин қадимги туркий ёзувли эпиграфик ёдгорликлар топилмоқда. Айтиб ўтилган мамлакатларга Марказий Осиё, Кавказ, Кичик Осиё, Волгабўйи ва бошқа ўлкалардаги туркий халқлар олимлари, хусусан, турколог олимларидан илмий экспедициялар ташкил қилиш лозим;

-университет талабалари орасида ёш турколог олимлар етиштириш учун талабалар билан "устоз-шогирд" алоқаларини йўлга қўйиш. Магистр ва докторантларнинг туркологиянинг долзарб масалаларида илмий тадқиқотлар олиб боришлари учун илмий-амалий ёрдам кўрсатиш;

-Алишер Навоий номидаги Тошкнт давлат ўзбек тили ва адабиёти университети битирувчиларидан танлаб олинган ёш мутахассисларга қадимги туркий-рун, суғд ва санскрит ёзувларини ўрганиш учун хориж илмий мактаблари билан ҳамкорлик қилиш ва келажакда халқаро экспедицияларда қатнашиш учун имкониятлар яратиш;

-хорижда (Туркия, РФ, Эрон, Ҳиндистон, Араб мамлакатлари ва ҳ.к.) ва ўзимизнинг маҳаллий архивлар, қўлёзма фондлари (ЎЗР ФАШИ, ЎЗР

Марказий Давлат архиви ва бошқа вилоят музей, ахборот-ресурс марказларида сақланаётган архив ҳужжатлари, қўлёзма фондлари, шахсий кутубхоналар)да сақланаётган туркий тилли қўлёзма асарлар, вақф ҳужжатлари, васиқа, шажара ва насабномалар, Хива, Бухоро ва Қўқон каби ўзбек хонликларига тегишли архивларда сақланаётган турли мазмундаги ҳужжатлар бўйича ўзбек олимлари томонидан юритилаётган илмий изланишларни университет журналида ёритиб бориш орқали ҳам университетнинг халқаро обрўйини оширадиган омиллардан биридир. Бундай долзарб вазифа ЎзР ФАга тегишли институтлари учун дахлдордир, деб ўйлаймиз.

РЕЗЮМЕ

Мақолада ўзбек ва дунё туркологиясининг айрим жиҳатлари қиёсий таҳлил қилинган.

В статье сделан сравнительный анализ некоторых сторон узбекской и мировой тюркологии.

The article contains a comparative analysis of some aspects of Uzbek and Turkology.



МУНДАРИЖА

Долзарб мавзу

А.Х.Саидов. Фан тўғрисидаги қонун қандай бўлиши керак?..... 3

Илмий мақолалар

Ш. Сирожиддинов. Ўзбек туркологияси: кеча ва бугун..... 11

Д. Юсупова. Шарқ қўлёмалари тўпламининг илмий таҳлили..... 19

А. Мухтаров. Миллий ғурур, миллий фахрланиш – миллатпарварлик белгиси 24

Ё. Нуриддинов, Ж. Далакьян. Иқтисодий глобаллашув, унинг асосий хусусиятлари ва белгилари..... 29

Ҳ. Акбаров, З. Абдуллаева. Телевидениеда вербал ва визуал воситалар масалаларига доир 36

А.Ф. Бакаева. Хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда давлат иқтисодий сиёсатини қўллашнинг айрим масалалари 43

Илмий ахборот

Р.Р. Тўрахўжаева. Прокрастинация ҳолатининг айрим жиҳатлари..... 49

С. Абдуллаев. Ишқ ва тафаккур (фалсафий назар)..... 56

Тарих

Н.А. Абдуллаев. Араб мамлакатларидаги сиёсий жараёнларнинг айрим жиҳатлари борасида 62

Ф. Джуманиёзова. Афғонистон ўзбеклари тарихига қисқача назар: умумий тавсиф..... 67